

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA



■ 2004-YIL ■ 4-NOYABR ■ PAYSANBA ■ 131 (27.306) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

аҳолини, айниқса, ёш авлодни хулқ-одобнинг маънавий негизлари ҳамда тушунчаларига, инсонпарварлик ва ахлоқийлик қоидаларига зид бўлган барча нарсалардан ҳимоя қилиш учун бутун жамоат кучлари билан ҳамкорликда қатъий кураш олиб боради

### ЎЗБЕКISTON VA OСИЁ ТАРАҚИЁТ БАНКИ ХАМКОРЛИГИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Шу кунларда Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чино расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф чоғида Ўзбекистон ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки умумий қиймати 164,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тўртта қўшма лойиҳани молиялаш тўғрисида кредит битимини имзолади.

Булар — «Бошоқли экинлар унумдорлигини ошириш» (26,0 миллион доллар), «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» (73,2 миллион доллар), «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» (40,0 миллион доллар), «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш» (иккинчи босқич, 25,0 миллион доллар).

Шунингдек, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларда Осиё тараққиёт банкининг ҳукумат кафолатларисиз иштирокини кўзда тутувчи Ўзаро англашув меморандуми ҳам имзоланди.

Меморандумга мувофиқ Осиё тараққиёт банки бошқа сармоядорлар билан биргаликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Марказий Осиё жамғармасини ташкил этишга қўмақлашади.

Осиё тараққиёт банки мамлакатимизга кенг қўламли тузилмавий ислохотларни амалга оширишга ёрдам беришда халқаро молия ташкилотлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

1996 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ҳамкорлик давомида Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга транспорт инфратузилмаси, қишлоқ ҳўжалиги, базавий ва ўрта махсус таълим, сув таъминоти, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, энергетика каби иқтисодийнинг устувор тармоқларида 16 лойиҳани амалга ошириш учун 810 миллион АҚШ доллари ҳамда умумий қиймати 34 миллион долларга тенг 58 та грант ажратди.

Осиё тараққиёт банки 2004 йилнинг октябрида Ўзбекистон билан ҳамкорлигининг 2005-2006 йилларга мўлжалланган янги дастурини тасдиқлади. Унга мувофиқ аҳолини сув билан таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш борасида ҳар йили 150 миллион долларгача бўлган миқдордаги 9 та устувор лойиҳа ишлаб чиқишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусига Осиё тараққиёт банки раҳбарияти юқори баҳо берди ва бу ташаббусни амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

(ЎЗА)

### ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ IV ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



Қурултой делегатларини рўйхатга олиш 5 ноябрь куни соат 10.00 дан ХДП Марказий Кенгаши биносига бошланади.

6 ноябрь куни Қурултой делегатларини рўйхатга олиш «Dedeman Silk Road» меҳмон-хонасида эрталаб соат 8.00 дан бошланади.



### ПАРТИЯМИЗ ИФТИХОРЛАРИДАН БИРИ

Гурлан туманидаги Ибн Сино номли 5-умумтаълим мактабига ўн тўққиз йилдан бери директорлик қилиб келаятган Анорхон Маҳмудовага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонининг берилиши нафақат гурланликларни, балки Хоразм воҳаси халқ таълими ходимларини беҳад қувонтирди. Очиги, бундай юксак мукофотни оpanинг ўзлари ҳам қутмаганди.

— «Меҳнат қилган кам бўлмайди» деган мақоланинг тўғрилигига яна бир бор амин бўдим, — дейди опа. — Олий ўқув юртини битиргандан бери муаллимлик қилиб келаман. Фарзандла-

рим ҳам изимдан боришаяпти. Мен каби оддий бир муаллимнинг камтарона хизматлари Ватанимизнинг шундай олий унвонига муносиб кўрилгани зиммамга катта масъулият юклайди. Бу ҳурмат-иззатга жавобан бутун умримни ёш авлод тарбиясига бағишлайман.

Суратда: фарзандларни тарбиялашни, уларга пухта билим беришни ҳаётининг мазмуни деб билган Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП аъзоси Анорхон Маҳмудова невараси билан

Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

### ГАЗЛИ ҚИШЛОҚ — ФАЙЗЛИ ҚИШЛОҚ

НАВОИЙ (ЎЗА мухбири Ёрқул УМАР). Хатирчи туманида қишлоқ инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ би-

лан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Газлаштирилган маҳалла ва қишлоқлар сони тобора кўпаймоқда. Янгирабод кўрғонининг «Чинобод»

маҳалласи, Бўстон, Довтепа қишлоқлари ҳам ана шундай обод масканлар сафига қўшилди. Туманда жорий йилда 25,4 километр масофага газ қувури тортилиб, икки юздан зиёд хонадонда газ ёнди.

## 3 МИЛЛИОН 500 МИНГ ТОННАДАН ОШДИК

Терим давом этмоқда. Шартномавий режаларини ошириб бажарган туманлар сафи тобора кенгайиб, мамлакатимизнинг чўнг хирмони — 3 миллион 600 минг тонналик марра тобора яқин қолмоқда.

ТЕЛЕФОН, ТЕЛЕФАКС, ТЕЛЕГРАММАлар орқали хабарлар:

КАШҚАДАРЁ. Республикада давлатта пахта сотиш йиллик топширигини биринчи бўлиб бажарган ва давлатимиз раҳбари Ислам Каримов табригини ҳам биринчи бўлиб олган вилоят пахтакорлари бугунгача ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этишди.

Заршунослар эл хирмонида режага қўшимча 50 минг тонна «ок олтин» тўкиб, умумий хирмон саломогини 460 минг тоннага етказдилар.

БУХОРО. Вилоятда яна бир туман маррага етди — шофир-конлик пахтакорлар уйган хирмон 35 минг тонналик тош босди. Бунинг 53 фозини фермер хўжаликлари етиштирдилар. Хосилдорлик гектар бошига 32,1

центнердан тўшиб, 92 фоз хомашё биринчи навга қабул қилинди. Рентабеллик ҳам 12 фозга ўсди. Олинган даромаддан соф фойданинг ўзиёқ 2,5 миллиард сўмга етди.

Туман далаларида келгуси йил хосили учун кузги-қишки тадбирлар бошлаб юборилди. СУРХОНДАРЁ. Давлатга 31.200 тонна сифатли хомашё топширган жаркўрғонликлар бу йил 7,5 миллиард сўм даромад олишни кўзлаб турибдилар. Эришилган ютуққа «Оққўрғон», Алишер Навоий номли ширкат хўжаликлари ва «Сурхон» фермер хўжаликлари уюшмаси меҳнат жамоалари катта ҳисса қўшидилар.

Ҳар гектар ердан 29,7 центнердан хосил кўтарган деҳқон-

лар шу кунларда ўз иш жойларини кузги галла майдонларига кўчирдилар.

ЖИЗЗАХ. Пахта майдонларини юз фоз фермерларга бўлиб берган Зомин тумани меҳнат аҳли зафар маррасига 13300 гектарлик пайжалардан 18000 тонна хосил билан етиб келишди. Бу — ўтган йилги кўрсаткичдан 8 минг тонна кўп. ТОШКЕНТ (ЎЗ мухбиримиздан). Бўжа тумани пахтакорлари давлат қабул масканларига 40 минг тоннадан зиёд сифатли пахта хомашёси етказиб бериб, йиллик шартномавий режаларини бажардилар.


Пахтакор деҳқонлар жорий йил мавсумида 16 минг 460 гектар майдонга гўзанинг «С-6524» нави чигитини қадаб,

### ЁШ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

ЖИЗЗАХ (ЎЗА мухбири Тошқул БЕКНАЗАРОВ). Вилоят маънавият ва маърифат марказида ёш сайловчилар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни вилоят сайлов комиссияси матбуот маркази «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ва фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах филиали билан ҳамкорликда ташкил этди.

Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ф.Норхўжаев, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах филиали директори Р.Хидоятлов Олий Мажлисининг Қонунийлик палатасига ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўладиган сайловлар, фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари тўғрисида сўзлашдилар.

Маълумотларга кўра, вилоятдаги 499700 сайловчининг 32604 нафарини биринчи марта овоз берадиган ёшлар ташкил қилади. Конституциямизда белгиланган ўзининг сайлаш ҳуқуқини илк бор амалга оширадиган бу ёшларнинг сайлов жараёнига қизиқиши кучли экани давра суҳбати давомида ҳам яққол сезилди. Очiq мунозара ва савол-жавоб тарзида ўтган мулоқотда Жиззах политехника институти талабаси А.Ёқубов, Жиззах транспорт ва алоқа коллежи ўқувчиси Э.Тургунов ва бошқа навқирон сайловчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашдилар.



ПАРЛАМЕНТНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИ, САЛОҲИЯТИ ЭРТАГА КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИГА, КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАШИМИЗГА БОҒЛИҚ

### Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

## ДЕПУТАТ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?..

Ушбу саволга Халқ демократик партияси Тошкент, Бухоро ва Фарғона вилоят кенгашларининг навбатдаги пленумларида аниқ жавоблар айtilди

— Жамиятимизда демократик тамойиллар тобора чуқурлашиб бораётган бугунги шароитда, қолаверса, сайловлар мавсумида барча партия кенгашлари ўз тарғибот-ташвиқот гуруҳларини янгица ишлашга тайёрлашлари лозим, — деди ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирохиддин Аъзамов ўз маърузасида. — Чунони, сиёсий партиянинг халқ орасидаги муҳим ютуқларидан бири бу — жойларда сайлов кампанияларини ташкил этиш ва шу орқали ижобий натижаларга эришишдир. Айна дамларда эса бир қатор партия кенгашларимизда сайловга доир топшириқлар, амалий ишлар қарови биз кутган даражада эмаслиги ташвишланарли ҳолдир. Бугунги кунда ўз сафарларида 42 минг 380 нафардан зиёд аъзони бирлаштирган ташкилотларимизни сон

ва сифат жиҳатдан қандай сақлаб қолиш мумкин? Еки бўлмаса, уни қай йўллар билан янги аъзолар ҳисобига бойитса бўлади? Фикримча, бу натижага энг аввало, партиямиз фаолиятига ҳурмат, унинг дастурий мақсадларига садоқат, қолаверса, партия мазмун-моҳиятини халқ орасида содда, тушунарли тарзда баён қилиш ва шу орқали ютуққа эришиш мумкин. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунийлик палатасига, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларига ҳалол, маънавиятли, чуқур билим ва юксак қобилият эгаси бўлган номзодларни тавсия қилиш йўли билан ҳам ушбу масалага ечим топиш мумкин. Пленумда тавсия қилинган номзодларни мақбуллик Бекободдаги «Ўзбекистон ме-

таллургия комбинати» акциядорлик бирлашмаси пўлат эритиш цехи оператори, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураҳмон Абдуразақов, Чирчиқ шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Дониёр Азизхўжаев ва бошқалар ушбу сиёсий жараёнларда партиянинг ўрни, мақсад ва вазифаларни тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сиёсий анжуман сўнггида ЎзХДП ташкил топганлигининг 13 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ партия фаолларига ХДП Марказий Кенгаши ҳамда вилоят партия ташкилотининг фахрий ёриқлари ва эсдалик совғалари топширилди. Бир нафар фахрий — Рустам Акбаровнинг номи ХДП Марказий Кенгашининг «Эхтиром китоби»га киритилганини тўғрисидаги гувоҳнома ўз эгасига топширилди.

— Биз, — деди Бухоро вилоят партия кенгаши биринчи котиби Жалолиддин Нуруллоев, — номзодларни танилашга алоҳида эътибор бердик. Бугун уларни яна бир бор муҳокама қилдимиз. Уйлайманки, кўрсатилаётган номзодларимиз ҳақиқий жонқур сафдошларимиз ҳисобланадилар. Эндиги вазифа эса сайловларда фаол иштирок этиб, партиялар ўртасидаги рақобатда ҳалол ғалабага эришишдир.

Пленумда партия фаолларидан бир гуруҳига Марказий Кенгашининг табриги ҳамда «Эхтиром китоби»га киритилган ХДП Бухоро туман кенгаши биринчи котиби Саида Жўраевага шу ҳақдаги гувоҳнома топширилди.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида вилоят кенгашининг биринчи котиби Муҳаммадали Исқоков «Республика Олий Мажлиси кўйи палатасига, вилоят, туманлар ва шаҳарлар кенгашларига сайловлар ҳамда Ўзбекистон ХДП IV Қурултойи чакрилиши муносабати билан вилоят партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида маъруза қилди. Маъруза юзасидан муҳокамаларда ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгаши биринчи котиби Олихан Шарипова, Қува туманидаги «Анор» ширкат хўжалиги раиси Мастура Сайфиқодирова, Қўқон ўрмон хўжалиги бошлиги Мансур Хўжаев ва бошқалар сўзга чиқиб, сайловларга масъулият билан ёндашуш, партиямиздан депутатликка қўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан олий бориладиган тадбирлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Соҳибжон САЛИМОВ, Даврон БАҲРОНОВ, Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари



Туманининг коксак пахта хирмонини барпо этишда «Хўжақўрғон», «Бўстон», Саймоқов, Фаффор Азаматов номли ширкат хўжаликлари пахтакорларининг ҳиссаси баракали бўлди.

Шунингдек, газетамиз саҳифалари чоп этилиши олдидан (яъни, энг сўнгги лаҳзаларда) йиллик шартномавий режаларини муваффақиятли уддалаган Урганч, Наманган сингари яна бир қатор туманлардан ҳам хўшхабарлар олдик.

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**  
XALQ BANKI

**TOSHPINK SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA HAMKOR!  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!**  
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22  
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

Дўққат, сайлов яқин!

XX асрнинг охирида фанимизда янги бир атома кибриб келди: «Жамоатчилик билан алоқалар» — «Паблик рилейшнз» (ПР, Пиар). Ғарбда бу атома анча илгари шаклланди. Бугунги кунда, айниқса, Америка Қўшма Штатлари ижтимоий-сиёсий ҳаёти...



холда амалга оширади. — Баъзида «Пиармен билан имижмейкер аслида битта вазифани бажарадими?» деган саволга дуч келамиз.

алоқалар фани дастлаб журналистиканинг эмирида вужудга келган эмасми? — Тўғри. Лекин бу бахли масала. Ҳақиқатан ҳам журналистлар ва жамоатчилик билан алоқалар мутахассислари ўртасида маълум рақобат бор.

қўяди. Кутилмаган баъзи кескин саволларга ҳам силлиқ жавоблар тайёрлайди. Қисқаси, матбуот марказлари назорат қилинган. Филътрдан ўтказилган ахборотларини тарқатади. Бу эса журналистларни қониқтирмайди.

дан бироз чекиндик, шекилли. Келинг, яна бевосита сайловлар масаласига қайтасак. Сайловларда қора технологиялар, деган ибора бор. Буни баъзилар қора пиар ҳам деб аташади. Бу технологиялар нималардан иборат?

— Утган сайловларда ҳокимият вакиллари органларидан ҳам номзодлар кўрсатилган эди. Уларнинг баъзилари сайловлолди қўрашларидан ўз мансаб лавозимларидан фойдаланганлар. Бу қора технологиянинг бир кўриниши. Ундан ташқари рақиб номзодга «уз номзодингги қайтариб ол» деган босимлар ҳам ўтказилган.

САЙЛОВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ОҚ ВА ҚОРА РАНГЛАР

ЁХУД САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ҲАЛОЛ ВА НОҲАЛОЛ УСУЛЛАР ҲАҚИДА

— «Паблик рилейшнз» ўзбек тилига «Жамоатчилик билан алоқалар» деб таржима қилинади. Буни бирор-бир шахс, идора, ижтимоий институт, вазирлик, қўмита ва шунга ўхшаш ижтимоий бирликларнинг ўз жамоатчилиги билан алоқаси деб тушуниш мумкин.

ди. «Паблик рилейшнз» бу — демократиянинг меваси. Шунинг учун у айнан мустақиллик йилларида илм-фанимиз, ҳаётимиз, фаолиятимизга кириб келди. Мана олайлик, Марказий сайлов комиссияси жамоатчилик фикри асосида кундалик ишнинг режалаштирилади. Бу албатта, демократия тамойили. Бу фан баъзи мамлакатлар раҳбарларига ёқмаганлиги сабабли уни ривожлантиришга йўл бермаган.

қўлланилади. Бу иш билан бевосита матбуот хизматлари ва депутатликка номзодларнинг ўзлари шугулланади. Уларнинг вазифалари нималардан иборат? Имон қадар каттароқ доирадаги жамоатнинг фикрини ўрганиб, уни сайловлолди дастур ва бошқа ҳужжатлар, ишларда акс эттириши. Агар ғалаба қозондирган бўлса, партия ёки депутат ўз стратегиясини қандай белгилаши керак? Бу ҳам ўз навбатида жамоатчилик фикрида акс этади.

ни яратувчи деган маънони англатади. Пиармен ҳам имиж масалалари билан шугулланади. Лекин бу унинг биргина йўналиши. Олайлик, депутатликка номзоднинг пиармени зарур пайтда сайловчиларга унинг қиёфасини яратиб беради. Зарур пайтда имиж масалалари билан ҳам шугулланаверади. Яъни бу одамнинг ҳаёти, фаолияти, оила-сини, феъл-атворидан турли маълумотларни йиғиб қўпчиликка маъқул келадиган қиёфани яратди. У шундай қиёфа бўлсинки, сайловчилар фақат шу номзодгагина овоз берсин. Бу имижмейкернинг иши. Энди пиармен матбуот билан алоқалар учун масъул бўлади, номзоднинг чиқишларини уюштиради, нутқларини тайёрлайди ва ҳоказо. Агар унинг йўналишларини санаб чиқадиган бўлсак, тахминан 15 га яқин. Иккасининг фарқини аниқ айтадиган бўлсак, имижмейкер тор, пиармен кенг доирадаги вазифаларни бажаради.

ча давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзлари ҳақида қандай ахборот, қайси усулда тарқатилиши кераклигини англаб етди. Улар билдикли, журналистларни ўз ҳолига қўйиб бўлмайди. Чунки, журналистлар идоралардан олган маълумотларнинг ўзинча таъкид қилади. Бу ҳолат, бу позиция қўп ҳолларда ташкилотларнинг зарарига ишлаши мумкин. Шундан келиб чиқиб улар энди ўзларининг матбуот хизматларини ташкил этипти. Улар олдида шундай вазифа қўйилмаптики, ОАВда идора ҳақида чиқадиган барча маълумотлар фақат шу матбуот хизмати орқали чиқсин. Бирор-бир журналист раҳбардан интервью оломок бўлса ёки шу ташкилот ҳақида мақола ёзмақчи бўлса, раҳбар унга айтиди: марҳамат, матбуот котиби билан муносабатини ўрганиб, келишад ва шу вақтга қадар журналистни қизиқтирадиган масалалар бўйича фақат ютукларни ифодаладиган маълумотларни тайёрлаб

ларга ўзи хоҳлагандай жавоб олиши, матбуот хизмати эса фақат шу идора манфаатидан келиб чиқадиган ахборотни тарқатиши хоҳлайди. Ҳақиқатан ҳам «паблик рилейшнз» — жамоатчилик билан алоқалар журналистиканинг негизига таъминан бундан 150 йиллар аввал АКШда пайдо бўлган. Лекин кейинчалик алоҳида ва кенг қамровли бир соҳа сифатида ундан ажралиб чиқди. Бугунги кунда хорижий мамлакатларнинг қўлаб олий ўқув юртиларида жамоатчилик билан алоқалар мутахассисларини тайёрловчи алоҳида факультетлар мавжуд. Жумладан, Россиянинг ҳам қирққа яқин олий ўқув юртида шундай мутахассислар тайёрланади. Шундан 20 га яқинида ҳам бакалавр, ҳам магистр қолганларидан фақат магистрлар тайёрланади. Мамлакатимиз олий ўқув юртилари журналистика факультетларининг ўқув режасига бу фан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йилда киритилган эди. Лекин, шу йўналишда магистрлар тайёрлаш бўйича жой ажратилмаган.

— Файзулла ака, мавзунинг алоҳида ва кенг қамровли бир соҳа сифатида ундан ажралиб чиқди. Бугунги кунда хорижий мамлакатларнинг қўлаб олий ўқув юртиларида жамоатчилик билан алоқалар мутахассисларини тайёрловчи алоҳида факультетлар мавжуд. Жумладан, Россиянинг ҳам қирққа яқин олий ўқув юртида шундай мутахассислар тайёрланади. Шундан 20 га яқинида ҳам бакалавр, ҳам магистр қолганларидан фақат магистрлар тайёрланади. Мамлакатимиз олий ўқув юртилари журналистика факультетларининг ўқув режасига бу фан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йилда киритилган эди. Лекин, шу йўналишда магистрлар тайёрлаш бўйича жой ажратилмаган.

— Бизнинг утган сайлов тажрибаларимизда қора пиар технологияларининг қандай усулларидан фойдаланилган? — Утган сайловларда ҳокимият вакиллари органларидан ҳам номзодлар кўрсатилган эди. Уларнинг баъзилари сайловлолди қўрашларидан ўз мансаб лавозимларидан фойдаланганлар. Бу қора технологиянинг бир кўриниши. Ундан ташқари рақиб номзодга «уз номзодингги қайтариб ол» деган босимлар ҳам ўтказилган. Баъзи ҳолларда катта миқдорда пул ёки совға-саломлар ваъда қилинган. Улардан ташқари рақиб номзодга «уз номзодингги қайтариб ол» деган босимлар ҳам ўтказилган. Баъзи ҳолларда катта миқдорда пул ёки совға-саломлар ваъда қилинган. Улардан ташқари рақиб номзодга «уз номзодингги қайтариб ол» деган босимлар ҳам ўтказилган. Баъзи ҳолларда катта миқдорда пул ёки совға-саломлар ваъда қилинган. Улардан ташқари рақиб номзодга «уз номзодингги қайтариб ол» деган босимлар ҳам ўтказилган.

ХДП фаоллари БАРАКА ВА САМАРА ОМИЛИ

Корақул пахта тазалаш заводидан раҳбар бир ярим йилда икки марта алмашди. Кадрлар қўнимчилиги, раҳбарлардаги масъулиятсизлик оқибатида ўғирлик ва ташмачилик авжига чиқди, ишчилар ўртасидаги аҳилликка путур етди. Бунинг оқибатида корхона нонор аҳолига тушиб, ишчилар маошсиз қолди.

Туманда тайёр, тажрибали кадрни топиш осон эмасди. Илгари шу корхона бошқариб, унинг паст-баландини яхши билган Меҳмонжон Янгиев қўшни тумандаги турдош корхонага раҳбарликка жўнатилганди. У кетгач, икки йилда корхона қолоқлар сафига тушиб қолди. Кўпчилик фикри бир жойдан чиқиб, Меҳмонжон яна «Корақулпахта-тозалаш» ҳиссасдорлик жамиятига раҳбарликка тақлиф этилди. У «ХДП аъзоси М.Янгиев корхонадаги аҳолини ўнглаш мақсадида партиядошларига суянди. Ахир, улар катта куч — 40 нафар. Раҳбар жамоа билан диндан сўхбатлашиб, муаммоларни ҳал этиш йўлларини муҳокама қилиб олди. Раҳбарият ишчи-хизматчилар билан қайта меҳнат шартномасини тузди. Унда майда ташмачилик, ўғирликка қўл урганларга нисбатан аёвсиз чоралар кўрилиши алоҳида белгилаб қўйилди. Шу боис, аста-секин ишлар юришиб кетди.

— Янги раҳбарнинг қадами кўтлуг келди, — дейди биз билан сўхбатда ишчилар. — Авваллари олти-етти ойлаб маош ололмадик. Ҳозир эса иш ҳақи билан бирга дивидент ҳам олаётимиз. Ҳамма гап раҳбарда экан... Ҳа, минг ишчига бир бошчи, деган нақл бор халқимизда. Раҳбар ишчан, ташаббускор, адолатли бўлса, берди худо, акси бўлса... Қарийб етти юз киши ишлайдиган жамоанинг бошини қовуштирган М.Янгиев корхонанинг аравли шуҳратини яна тиклади. Корхона катта даромадга эга бўла бошлади. Унинг маданият саройи қайта таъмирланди. Кам таъминланган оилаларга қўлаб моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона ҳомилигидаги болалар бочасида таъминот яхшиланди, мактаб ўқувчиларига 2,5 миллион сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. — Партиямайдан туман кенгаши депутати, — дейди УХДП туман кенгаши биринчи котиби Файзулла Бекбулов, — сифатида у сайловчилар билан учрашувга, уларнинг муаммоларини ечишга ёрдам беришга ҳам вақт топади. Масалан, яқин-яқингача одамларнинг деҳқон бозорига кириб-чиқиши минг азоб эди. Чунки, автоуловлар турадиган жойнинг тайини йўқ эди. Бозорга кириш йўллари тўсилиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг имкони йўқ эди. Меҳмонжон туман ички ишлар бўлими бошчилиги билан келишиб, ўз тақлифларини айтиди, масала ҳал бўлди. Мана, бугун Корақул шаҳрида автоуловлар ҳаракати тартибга солиниб, ҳаммаининг деҳқон бозорига кириб-чиқиши учун барча қулайликлар яратилди. Корхона ишчи-хизматчилардан ютук, барака ва самара омили нимада деб сўралса, улар бир овоздан «тўғри ва ҳалол меҳнатда» деб жавоб беришади.

Даврон БАҲРОНОВ


Сайловлар тўғрисида саволингиз борми? ЯНА СЕНАТ ҲАҚИДА

«Қонунчилик палатаси таркибиде қўмиталар, комиссиялар бўлиши, табиий. Сенатда-чи? Унда ҳам бўлади-ми? — Бўлади. Сенатнинг асосий ваколатлари бевосита унинг янги мажлисларида амалга оширилади. Таркибидеги қўмиталар (комиссиялар)нинг мажлислари сенаторлар фаолияти тушулчасида икки асосий маънони англатади: биринчиси — қўмиталар (комиссиялар) мақоми қонунда ҳуқуқий мустаҳкамланганлиги; иккинчиси — Сенаторлар фаолиятининг яна бир ҳуқуқий асоси қўмиталар (комиссиялар) аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатиши мумкинлиги.

(Жавобни тайёрлашда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» (Тошкент, 2002 йил) рисоласи матнларидан фойдаланилди.)

ЎРМОНЛАРНИ КЕЛАЖАК УЧУН АСРАЙЛИК

Тянь-Шан тоғ тизмаларининг Каржантов, Уган, Чотқол тоғлари, бир-бирдан жозибали қирлари кеч кузда ўзгача тароватда. Бўстонлик туманидаги «Бурчмулло» ўрмон ҳўжалиги республикамиздаги йирик, кенг майдонли, бандан чўққиларига эга ҳўжаликлардан биридир. Қарийб 350 минг гектарлик мазкур ўрмон ҳўжалиги юз йиллик тарихга эга. Бу ерда 600 нафар ўрмон нозирлари гўзал табиатни, ўрмонни келажак учун асраш ҳамда қўриқлаш билан шугулланмоқда. — Шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳри ва атроф туманларга миллион тўпга яқин мовий арча, эман, каштан, террак, игнабаргли, манзарали дарахт ва гул кўчатлари етказиб бердик, — дейди «Бурчмулло» ўрмон ҳўжалиги раҳбари Абдукарим Абдужалилов. — Бундан ташқари, ўрмончиликнинг сифат кўрсаткичлари охири бораётганини қайд этди. ЛПА президенти, шунингдек, яқин кунларда Ўзбекистонга ташриф буюриб, кейинги йилнинг май ойида Тошкентда халқаро пахта анжуманини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни муҳокама қилиш ниятида эканини айтиди.



Суратлар: ўрмон нозир Махмуджон Каттахўжаев; қўриқхона нозирлари Т. НОРҚУЛОВ (ўзда) олган суратлар.

«ЎЗДУНРОБИТА» ОЛОТДА

«Ўздунробита»нинг Бухоро вилояти филиали ташкил этилганига тўққиз йил бўлди. Бу давр ичиде корхонанинг филиал базаси станциялари 10 тага етди. Натигада вилоят ҳудудининг қарийб 95 фоизи қамраб олинди. Яқинда вилоятнинг энг узок гўшаларидан бири Олот туманида ҳам уяли алоқа тармоғи фаолият кўрсата бошлади. Энди олотликлар дунёнинг исталган нуқталари билан уяли телефон алоқаси орқали боғлана олади. Шундай қилиб, Бухорода «Ўздунробита» микрозети 15 минг нафарга етди.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар «КИМ ҲАҚУ, КИМ НОҲАҚ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 19 февраль сониде юқоридеги сарлавҳа остида чоп этилган мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди қўйдагиларни маълум қилади: «Аниқланишича, Б.Машарипов жавобгар «Гиндрува» қўшма корхонасига нисбатан иш ҳақи, кўрсатилган юридик хизмат учун пул ундириб бериш тўғрисида судга даъво ариза билан мурожаат этган. Иш судларда бир неча маротаба қўрилган. Фўқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2003 йил 28 февралдаги ажримига қўра ўзгартиришсиз қолдирилган Гулистон туманларо судининг 2002 йил 6 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Б.Машариповнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 1.681.45 сўм ундирилиши белгиланган. Шунингдек, даъвогар О.Абдуғаниев жавобгарлар Б.Машарипов, Ф.Машарипова, Г.Шахобитдинова, Э.Тўйчиев ва Гулистон шаҳар ҳокимиятига нисбатан 1999 йил 27 апрелдаги низоли дўконга нисбатан Б.Машариповнинг эғалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ҳоким қарорини бекор қилиш ва дўкондан қўчириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат этган. Фўқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 25 декабрдаги ажрими билан ўзгартиришсиз қолдирилган Гулистон туманларо судининг 2003 йил 18 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси рад этилган. Иш ҳолатларидан қўринишича, Б.Машарипов 1997 йил 21 апрелда Литва-Ўзбекистон «Гиндрува» қўшма корхонасига ҳуқуқшунос бўлиб ишга кирган. Корхона билан Б.Машарипов ўртасида шартнома тузилган бўлиб, шартномада даъвогар ҳўжалик низолари бўйича дебиторлик қарзларини ундириши таъминлаши, корхона унга ҳар ойда 10.000 сўмдан иш ҳақи, тўланмаган иш ҳақи учун фўқиз тўлашлиғи кўрсатилган. Корхона томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги боис, Б.Машарипов судда даъво қўзғатган. Иш ҳақини ундириш ҳақидаги суд ҳал қилув қарорининг ижроси корхонанинг мулки, яъни 54-сонли дўконга қаратилган. Низоли савдо дўкон Б.Машариповга иш ҳақи ҳисобидан тўлов сифатида 1999 йилда олиб берилган. Иш судда қўрилиш жараёнида низоли дўконнинг 1/3 қисми Ф.Машариповга ҳада қилинган, 1/3 қисми Э.Тўйчиевга, 1/3 қисми эса Шахобитдиновга олди-сотди шартномаси орқали сотилган. Суд юқоридеги ҳолатларни инобатга олиб, низо юзасидан қонуний ва асосли қарор қабул қилган.

Олий суд матбуот хизмати»



Маълумки, газетамизнинг 2004 йил 14 сентябрь сониди мухбир Саида Сайхуннинг мактаб бозорлари республикада сотилаётган муқоваси но...

Мақола кенг жамоатчилик, ўқувчи, ўқитувчилар, ҳар хил касб эгаларида жиддий фикр-мулоҳазалар уйғотди, тахририятимизга кўнги...

Ўқувчининг ўқув қуроллари унинг билим олишида асосий восита ҳисобланади. Кундалик дафтар ўқувчининг билимига қўйилган баҳо...

Демак, маданиятли ота-она боласига беҳаё суратли ўқув қуролли олиб бермайди, чунки ўзи уни қўлади, кузатади, текширади...

Мақолали билейимизнинг ўқитувчилари билан муҳокама қилдик. Дарҳақиқат, ўқув-қуролларини тўғри танлаш ўқувчиларнинг билим доирасини оши...

Айниқса, дафтарларнинг муқовасига ўз юртимиз тарихи, маданий ёдгорликлар, буюк сиймоларнинг суратини тушириш, ҳадислардан фойдаланиш, жадваллар бериш муҳим аҳамиятга эга...

Дилбар ҲОЛИҚОВА, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ширмонбулоқ кўчаси, 4-уй.

Мақолали ўқиб, тўғриси, яна шу ҳақда ёзишбди, олдин ҳам шу муаллиф ёзган экан, ҳеч нарса ўзгармаган нима ке...

— Дафтарнинг зўрларидан бор, ҳола, мана, — дея қиз билан йилгит бир-бирининг

таълимга ҳам, билимга ҳам зарардан бошқа нарса эмас. Бизнинг фикримизча, бунинг ўрнига тадбиркор «на...

— Ўзбекистон овози» газетасидан ўзим ва қатор курсдошларим ўйлаб юрган дафтар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўқидим. Биз ҳам муқовасида хорижий телесериаллар қаҳрамонлари суратла...

ўзлигини англаш учун кучли иштиёқ уйғота олмаганимиз.

Мунира ОТАНИЁЗОВА, Нукус шаҳридаги 1-гимназиянинг ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси

«Ўзбекистон овози» газетасидан ўзим ва қатор курсдошларим ўйлаб юрган дафтар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўқидим. Биз ҳам муқовасида хорижий телесериаллар қаҳрамонлари суратла...

Акс-садо

таҳталарида ўзимизнинг республикамизда босиб чиқарилаётган муқовасида давлат рамзлари, буюк аждодларимиз сиймоси, тарихий обидалар, янги бинолар, ҳадислардан, доноларнинг ҳикматларидан намуналар акс эттирилган дафтарлар ҳам бор-ку!

Назаримда, ўқувчилар учун ўқув қуролларини танлашда ўқувчи ҳамда ота-оналар ўртасида ташунтириш ишлари олиб борилса, бу муаммо ўзининг ижобий ечимини топади.

Дилорам МАДАМИНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилик Республикаси ўқув-методика маркази услубчиси

Тарбия ишида бефарқликка, хатога йўл қўйилса, жамиятга катта зиён етказилади, янги маънавияти пуч одамлар билан ёрқин келажикни қўриб бўлмайди.

Дафтар ёзиш-чиқиш воситаси бўлиш билан бирга тарбия қуроли ҳамдир. Тарбияда майда-чуйда деган гап кетмайди.

Биз, аввало, шарқликмиз. Жаҳон тараққиёти бешигини Беруний, Ибн Сино, ал-Ҳорезмий, Навоий, Улугбек, Бобур каби буюк даҳолар ҳам тебратганлигини зинҳор унутмайлик.

Одоб-ахлоқ бобида аждодларимиз барчага ибрат қўрсатган. Биз уларга муносиб бўлиш, ўзлимизни унутмаслик учун курашмоғимиз лозим, деб ўйлайман.

Ғойиб ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Интер-спорт

МУРАББИЙНИНГ УЙИГА ХУЖУМ



Англия футбол терма жамоасининг бош мураббийи Свен-Йоран Эрикссоннинг дангиллама уйига безори кимсалар яқшанбага ўтар кечаси ва душанба кунини тунда хужум қилишган, яъни тош отиб, дераза ойналарини синдиришган. Унинг ойналари 3 миллион фунт стерлинг турарди.

ВИТАЛИЙ АЙБИНИ ТАН ОЛДИ



Украиналик таниқли боксчи Виталий Кличко декабрь ойида Лас-Вегас шаҳрида WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги боксчи Дани Уильямс билан учрашиб, ўзининг жаҳон чемпиони унвонини ҳимоя қилиши керак.

Кизиги шундаки, у қачнда катта бокс билан шуғулланган кезлари кучайтириш воситаси — допинг қабул қилганини тан олди. Боксчининг ҳаёти билан боғлиқ китобда катта Кличко бокс билан шуғуллана бошлаганда стероид қабул қилганини, деб ёзади.

Гап шундаки, кикбоксинг билан шуғулланиб юрган пайтда унинг оёғидаги эски яра бевозта қилган ва шифокор унга ана шундай доридан фойдаланишни тавсия этган экан.

Ёзлаганимиз, Атлиан Олимпия уйинлари чоғида Виталий допинг-тестдан ўтмаган, унинг ўрнига Владимир Кличко бориб, охир-оқибатда Олимпияда чемпиони бўлган.

БЕШИНЧИ МАРТА ЧЕМПИОН БЎЛМОҚЧИ

Ўта оғир вазни, собиқ тўрт карра жаҳон чемпиони Эвандер Холифилд кейинги пайтларда биринчи имкониятларини йўқотган бўлишига қарамай, бешинчи марта жаҳон чемпиони бўлишга орузманд эканини яширмапти. У қачнда телефон орқали мухбирлар билан суҳбатда бўлажак Ларри Дональд билан жангги хусусида гапириб: «Сизлар мен тўғрисида ҳар хил фикрга боришларингиз мумкин. Лекин мен ҳали-бери катта бокс билан хайрлашмоқчи эмасман. Боси, ҳар бир инсон меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Борди-ю истейфого чикадиган бўлсам, албатта матбуот йиғилишида мухбирларга ўз фикримни айтман», деди.

ФИШЕР СУДДА ЖАВОБ БERAДИ

Шохмот бўйича собиқ жаҳон чемпиони Бобби Фишер иши бўйича Токио ҳудудий суди масалани ҳал қилишга қарор қилди. Махшур гроссмейстер ҳозир чет элликларга мўлжалланган махсус қамоқхонада сақланмоқда.

Маълумки, америкалик шохмотчи шу йилнинг 13 июль кунини Токио аэропортида паспорт мuddати ўтиб кетганлиги учун қўлга олинган эди. Фишернинг таъкидлашича, ҳужжати бундай аҳволда эканидан у беҳабар. Шохмотчининг адвокатлари эса уни қўлга олишни осонлаштириш учун Америка маъмурилари тарафидан паспорт масаласи атайлаб ушунтирилган, демоқдалар.

ДАФТАР — БИЛИМ ВА ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

пизмат қилади. Билим ва тарбияга дахлдор иш ҳеч қачон тижорат, бизнес манбаига айланмаслиги лозим.

Мавлуда ИСМАТОВА, Ўзбекистон Қарамони, Юнусобод туманидаги 273-лицей директори

Уй бекасими. Икки ўғил, олти қизни уйли-ойли қилганман, бир этак невараларим бор. Кичика иззат кўрсатишга ургатларнинг ярим-яланғоч суратлар билан бебаб ташланганини кўриб, очиги, қўлга олиб қарашга истиҳола қилади киши. Мухбир айтганидай, бундай дафтар боламиз, неварамизнинг билимини ошириш ўрнига тарбиясига пугур етказаяпти-ку, ахир.

Дафтар — билим ойнаси. Шунинг учун муқовасига шарқона ибод-ҳаё, каттага ҳурмат, кичика иззат кўрсатишга ургатдан суратлар, мақоллар, жамияти сўзлар келтирилса, кўнгидаги иш бўлади.

Дилбар ҲОЛИҚОВА, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ширмонбулоқ кўчаси, 4-уй.

Кўнгидаги иш бўлади. Сирдарё тумани, Умар Ҳўжаев номи 18-ўрта мактаб ўқитувчилар жамоасининг ишлаб чиқариш йиғилишида мақолали атрофича ўрганиб чиқдик, муҳокама қилдик, отаналар билан келишган ҳолда билим даргоҳида ўқувчининг фикрини асосий мақсад — билим олишдан қалғитидан, ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ўқув қуролларидан фойдаланмасликка қарор қилдик.

Илдош ЮНУСОВ, мактаб директори

Ҳозир қачин дафтарни кўрсангиз, кинолардаги актрисалар ёки актёрларнинг, белгача яланғоч «юлдуз»ларнинг суратлари. Бу нимаси? Аслида бундай дафтарлар

Мақолада эътироф этилган танқидий фикрлар жуда ўринли деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон номидан иш кўраётган тадбиркорлар нахоти ўз фарзандларининг келажagini ўйламаган бўлса?!

Бундай дафтарларнинг аксарияти кўлама жиҳатидан давлат стандартига ҳам жавоб бермайди. Стандартга жавоб берадиган дафтарлар 18 см. ҳошия чизилган, тўқ бўёқлар билан бўялган, олий навли қозғолардан ишланган бўлса, биз танқид қилаётган дафтарлар 16 см. дан ишланган.

Тан олишимиз керак, бизда ишлаб чиқарилаётган ҳамма дафтарлар ҳам талаб даражасида эмас. Баъзи дафтарларнинг муқоваси юка, тез йиртилиб қолади. Шунингдек, «Кундалик дафтар»лар ҳам рақобатбардос қилиб чиқарила, ўқувчиларда хорижда ишлаб чиқарилаган «кундалик дафтарларга» эҳтиёж туғилмасди. Нима учун ўқувчиларнинг қалбини ҳар хил мазмунли саёз сериаллар, беҳаё клиплар эгалламоқда? Сабаби, биз ёшларимиз онгиди

ри тасвирланган дафтарлардан фойдаланаётганимизни яширмаймиз. Фикримча, дафтарлар фанларга мослаштирилса яхшироқ бўларди. Газетада ёзилган фикрларга қўшилган ҳолда, унинг ички муқовасига давлат рамзлари, Гимн, Гиннес рекордлари, спорт чемпионлари, «Кизил китоб»га киритилган ҳайвон ва қушлар, ўсимликлар тасвирланса, дафтар фойдали ўқув-тарбия воситаси бўлади, деб ўйлайман.

Женгилгул ИБОДУЛЛАЕВА, Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси

— Бу «ялтироқ» дафтарларнинг босиб чиқаётган мактаб бозорлари расталарига олиб келиб сотаётган ишбилармон шахсларнинг мақсади фақат пул ишлаб, чўнтақларини қаппайтириш албатта. Биз нега индамай қараб туришимиз керак? Мактаб бозорлари пеш-

Шохмот

ХАЙР, ИСПАНИЯ! ГЕРМАНИЯДА КЎРИШГУНЧА!..

Испанияда эркаклар ўртасида ўтказилган 36-Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Алексей Барсов, Владимир Егин, Антон Филиппов, Темура Гараевдан иборат жамоамиз 14-ўринни, аёллар ўртасида уюштирилган 24-Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида Ольга Собирова, Ирода Ҳамроқуллова, Анжела Ҳегай, Юлдуз Ҳамроқулловадан ташкил топган жамоамиз 32-ўринни эгаллади.

Шохмотчиларнинг нуфузли мусобақасида Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси барчанинг диққат маркази бўлди. Мухлислар Рустамнинг ҳар ўйинини интизорлик билан куттиди. Айтиш мумкинки, Рустам мутаяссосу муҳлислар ишончини оқлади. У 8 ўйинда дона суриб, 4 та ўйинда битмига имзо чекиди. Айниқса, Рустамнинг жаҳоннинг кучли гроссмейстерларидан бири испаниялик Алексей Широв устидан қозongan галабаси барчада қизиқчи уйғотди. Шунингдек, Антон Филипповнинг АҚШ терма жамоа аъзоси, танқиди гроссмейстер Борис Гулькони, ёш гроссмейстеримиз Темура Гараевнинг швейцариялик Йенни Флоринани мағлубиятга учратгани мутаяссослар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Агар учала шохмотчимиз терма жамоанинг ёш аъзолари эканлигини ҳисобга оласак, улар келгуси олимпиадаларда бор махоратларини ишга солишларига умид қилишимиз мумкин.

Энди терма жамоамиз натижасига тўхталасак. Вакилларимиз 14 узрашнинг 2 тасида галаба қозонди, 2 тасида дуранга келишди, 4 тасида мағлубиятга учрашди. Жами 32 очко тўплаб, Польша ва Швейцария шохмотчилари билан жадвалнинг 12-14-поғоналаридан жой олишди (қўшимча кўрсаткичларга кўра 14-ўрин). Албатта, юртдошларимизнинг 9-турда голландияликларни 3:1 ҳисобида ютганлиги манман эди. Лекин 2-турда арманистонликларга шундай ҳисобда ютказишгани бир оз ранжитди.

Маълумки, 1992 йилги олимпиадада якунида Ўзбекистон ва Арманистон шохмотчилари ёнма-ён туришганди. Яъни, Ўзбекистон — иккинчи, Арманистон — учинчи. Бу йилги олимпиадада ҳам арманистонлик шохмотчилар фахрли учинчи ўринга кўтарилишди. Фолибликни қўлдан бермай келаятган Россия шохмотчилари бу сафар 2-ўрин билан қиёфоланишди. Фолиблик эса Украина шохмотчиларига насиб этди. Украиналикларнинг оламшумул галабасига Руслан Пономарев ва Василий Иванчук катта ҳисса қўшилишди.

Аёллар мусобақасида кейинги йилларда бўлганидек, хитойлик шохмотчилар бошқа жамоаларга имконият қолдиришмади. Хитойликлар якунда 31 очко тўплаб, 2-ўринни банд этган АҚШ вакиллари 3 очко ўзиб кетишди, 27,5 очко жамгаран Россияликлар олимпиаданинг бронза медаллари билан тақдирланди. Бизнинг терма жамоамиз эса 22,5 очко билан 32-ўринни банд этишди.

Албатта, ҳозирги кунда аёллар терма жамоамиздан юқори ўрин-

ларни эгаллашни талаб қилишимиз инсофдан эмас. Бунинг учун юртимизда аввало аён гроссмейстерларни тарбиялашимиз керак. Гроссмейстерлар эса нуфузли мусобақаларда ҳам дона судди ва ўзининг олимпиададаги дастлабки галабаларини нишонлади. Ҳозирча кўзга ташланмаган бў галабалар билан кун тўлалиқ ўзбек аёллар шохмоти довуруғини дунёга таратади. Республикада ишла спортни, хусусан шохмотни, айниқса аёллар спортини ривожлантиришга қўрсатилаётган катта эътибор шундай фикр билдиришимизга асос беради.

Кизгин мусобақаларга бой бўлган олимпиада ниҳоятга етди. Навбатдаги бутунжаҳон шохмот олимпиадаси Германияда ўтказилиши эълон қилинди. Дунё шохмотчилари: «Хайр, Испания! Германияда кўришгунча!» дег ватанларига жўнаб кетишди.

Аввора МҮМИНОВА

ОКЕАН ОРТИДА БАЙРОҒИМИЗ САРБАЛАНД

АҚШнинг Аризона штати бир ҳафта давомида катта спорт мусобақасига мезбонлик қилди. Бокс бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида бўлиб ўтган аънавий жаҳон чемпионатида дунёнинг 21 давлатидан ташриф буюрган 113 нафар спортчи 11 вазн тоифасида баҳс олиб борди. Ҳамюртларимиз 3 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Conceal International du Sports Militaire деб аталувчи мазкур мусобақа ҳар йили ўтказилади ва ҳар доим қизқарли ҳамда мurosасиз курашларга бой бўлиб келган. Хаваскор боксчилар билан бир қаторда кўлаб олимпиада чемпионлари ва совриндорларнинг иштирок этиши турнирнинг нуфузли эканлигини далиллат беради.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси шарафини Отабек Мамажонов (48 кг.), Комрон Қосимов (51 кг.), Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Бекзод Хидиров (57 кг.), Улугбек Бурйбоев (60 кг.), Дилшод Махмудов (64 кг.), Элшод Расулов (69 кг.), Шерзод Абдурахмонов (75 кг.), Нодир Фуломо (81 кг.), Азизжон Раҳмонов (91 кг.) ва Жасур Матжонов (+91 кг.)лар ҳимоя қилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча ҳамюртларимиз дастлабки баҳсларда муваффақиятли катнашдилар. Ярим финал оstonасида эса фақатгина икки вакилимиз Отабек Мамажонов ва Нодир Фуломо мағлубиятга учрадилар. Ярим финалда Жасур Матжонов германиялик Стефан Кретсманга, Азизжон Раҳмонов италиялик Клементе Руссога имкониятни бой беришди. Қозонгитонлик Серик Сапиев билан бўлган баҳрда эса ҳамюртлимиз Улугбек Бурйбоевга техник мағлубият ёзилди.

Колган олти нафар боксчимиз рақибларига нисбатан катта устунлик билан галаба қозондилар. Тўлашбой Дониёров АҚШлик Мигель Альбаресни, Комрон Қосимов украинлик Орехский Жун-Кивскийни мағлубиятга учратди. Афина олимпиадасида иштирок



Суратда: (ўнгда) Тўлашбой Дониёров

этган боксчиларимиздан Бекзод Хидиров Естеван Карсиа-Комореран доғда қолдирган бўлса, Шерзод Абдурахмонов литвалек Донатас Бондуравас устидан зафар қучди. Шунингдек, Дилшод Махмудов — Хорун Силохий (Германия) ва Элшод Расулов — Вячеслав Кусов (Украина) учрашувлари ҳам юртдошларимиз фойдасига ҳал бўлди.

Финалда йўлланма олган ушбу боксчиларимиздан уч нафари бу вазн тоифасида дунёда тенгсиз эканлигини исботлашди. Уч боксчимиз кумуш медал соҳиб бўлган бўлса, яна уч спортчимиз бронза медалини қўлга киритди. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий хизматчилар ўртасида бўлиб ўтган 48-жаҳон чемпионати ҳамюртларимиз учун муваффақиятли яқунланди. Ун бир имкониятдан қўлга киритилган тўққуз медал терма жамоамизга умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринни тақдим этди.

Анвар САМАДОВ

Хикматли сўзлар маъноси

СУВНИНГ СЕКИН ОКҚАНИДАН КЎРК, ОДАМИНГ ЕРГА БОҚҚАНИДАН КЎРК

ХАЛҚ БАНКИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ПУЛ ЖЎНАТИШ ХИЗМАТ ТУРИ

«ТЕЗКОР» — ишончли ва қулай, бир зумда муаммаларингизни ҳал этади.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«Решением Хозяйственного суда г.Ташкента за №10-0420/6868 от 21.10.2004г. предприятие ООО «Seag» (расположенное по адресу: г.Ташкент, Сергелийский район, Южная промышленная зона, ул. Ю.Х.Хожиев, 14) объявлено банкротом.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Новос» хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ.

Table with columns: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Ashiddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey ORLOV, Nomo SA'DULLAYEV, Qo'leberggen QAIPIBERGENOV, Mushiiddin MUSHIDDINOV, Olim MURODOV, Abdug'ani MAMASODIQOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifati, Iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xotlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.